

«Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни» мавзусида халқаро илмий анжуман ўтказилади



13:57 / 23.09.2024 1525

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 августдаги ПҚ-292-сонли «Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарорининг таъминлаш мақсадида Термиз шаҳрида «**Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни**» мавзусидаги халқаро илмий анжумани 2024 йил 17-18 октябрь кунлари ўтказилади.

Анжуманда қуйидаги мавзулар муҳокама қилинади:

Термиз ҳадис мактаби;

Имом Термизий ҳаёти ва илмий мероси;

Имом Термизийнинг ҳадис илми ривожда тутган ўрни;
Имом Термизийнинг «Сунан» номли асарининг ўзига хос жиҳатлари;
Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ва илмий мероси;
Ҳаким Термизийнинг ҳадис илмида тутган ўрни;
Термизий алломалар илмий мероси ва уларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти.

Халқаро илмий анжуманда иштирок этиш ҳамда мақола ва маъруза тақдим қилиш тартиблари:

Мақолалар электрон шаклда тақдим қилинади. Мақола матни MS OFFICE WORD дастури, Times New Roman шрифти, 12 кегель катталиги, асосий матни 1,5 интервал арақнинг чап томонидан 3 см, ўнгдан 1,5 см, юқори ва пасти 2 смда бўлиши лозим. Матн 7000 сўздан (фойдалиниланган адабиётлар билан) ошмаслиги лозим. Сарлавҳадан сўнг ўзбек, рус, инглиз тилларида қисқача аннотация (200-250 сўз) ва калит сўзлар берилиши шарт. Матнларда ҳавола (сноска)лардаги адабиётлар тўлиқ ёзилиши ва ҳар бир саҳифа остида кўрсатилиши керак.

Саҳифанинг биринчи қаторда: маърузачининг исми шарфи; иккинчи қаторда: ташкилот, лавозим, илмий даража ва унвони, шаҳар ва мамлакат номи; учинчи қаторда: мулоқот телефонлари, жой коди билан электрон манзил кўрсатилади. Сўнгра 1 интервал қолдирилиб, мақоланинг номи бош ҳарфлар билан ёзилади.

Мақоланинг тўлиқ матнларини юбориш муддати: 05.10.2024

Анжуман жойи ва санаси Термиз шаҳри 2024 йил 17-18 октябрь кунлари.

Мақолаларни ушбу электрон манзилга жўнатилиши сўралади:

termiziycenreruz@gmail.com telegram: @imomtermiziy2024

Тел: +998915899034

Манзил: 190108, Термиз шаҳри, Шимолий дарвоза 3-уй, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази.